

# Иқтисод ва молия

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

# Экономика и финансы

ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ АКАДЕМИИ НАУК  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 2, 2009

## Иқтисодиётни модернизациялаш ва тараққиёти дастурининг моҳияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг  
“Жаҳон молиявий-иқтисодий инновацияларнинг Ўзбекистон шароитида уни  
баргараф этишнинг йўллари ва шароитлари масаласида тайёрланган

- Ўзбекистон Республикасида таъназчилиқ тизимининг имкониятлари
- Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда ахборот технологиялари
- Жаҳон молиявий инновациялари ва унинг келиб чиқиши

ISSN 1691-0002



- иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши - прагматик иқтисодий сиёсат; - давлатнинг бош ишхотчи вазифасини ўз зиммасига олиши; - қонун устуворлигини таъминлаш; - кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш; - ишхотларни босқичма-босқич ва вақтинчалик билан амалга ошириш

- деидеологизация - прагматичность экономической политики; - возложение роли главного реформатора на государство; - обеспечение верховенства закона; - проведение сильной социальной политики; - поэтапность и постепенность в реализации реформ

# Институт экономики Академии Наук Республики Узбекистан

является ведущим научно-исследовательским учреждением экономического профиля в Узбекистане. Основан в 1943г. в структуре Академии Наук республики.

В настоящее время Институт является головной организацией по разработке Программы фундаментальных исследований «Инновационная модель развития конкурентоспособности национальной экономики 2 (2007-2011гг), включающей дополнительно 3 научно-исследовательских тем., ряд инициативных исследовательских направлений.

## Структура института:

- 5 научно-исследовательских отделов
- Временные творческие коллективы
- Группа мониторинга
- Группа обеспечения НИР и прикладных исследований
- Тренинг-центр
- Отдел аспирантуры и докторантуры
- Докторский Специализированный совет
- Вспомогательные подразделения
- Дочернее предприятие «Иктисодиет»

## Цели:

Организация, координация и проведение фундаментальных и прикладных научных исследований в области устойчивого развития в контексте инновационной модели повышения конкурентоспособности национальной экономики

## Основные направления деятельности

- Проведение фундаментальных и прикладных НИР на базе заказов, договоров, грантов
- Участие в разработке и мониторинге, экспертизе национальных программ, законодательных актов и нормативных документов по экономическим аспектам жизни общества
- Подготовка кадров высшей квалификации
- Развитие творческих связей с учеными – экономистами практиками, международными экономическими центрами
- Консалтинговые услуги для частного бизнеса
- Организация и проведение семинаров, круглых столов, конференций, тренингов

## **МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ**

**№ 2, 2009**

**2**

### **БОШ САҲИФА - ПЕРЕДОВИЦА**

#### **ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ТАРАҚҚИЁТИ ДАСТУРИНИНГ МОҲИЯТИ**

(Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари асосида тайёрланган)

**"ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШ,  
УЛАРНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШINI ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ Тўғрисида"ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

**25**

### **КАЗНАЧЕЙСТВО/ ҒАЗНАЧИЛИК**

Муминов Н.Г., Умаров Ж.Т.

#### **ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДА КАССАНИНГ РОЛИ**

Қосимова Г.А., Одилов Ф.Ш.

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**36**

### **ДАВЛАТ МОЛИЯСИ / ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ФИНАНСЫ**

Ахмадалиев А.А.

#### **БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ НАМАНГАН ТУМАНИ МИСОЛИДА ТАҲЛИЛИ**

**40**

### **АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ / ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**

Афзалов З.Ш., Ортиқов Хасан

#### **ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Афзалов З.Ш., Ортиқов Хусан

#### **КИЧИК БИЗНЕСНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ**

**47**

### **ҲАЛҚАРО ИҚТИСОДИЁТ/МЕЖДУНАРОДНАЯ ЭКОНОМИКА**

Мирзаев Ш.А.

#### **ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИДА АҚШ МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ**

Алматов Х.

#### **АМЕРИКА ҚўШМА ШТАТЛАРИ БАНК ТИЗИМИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Саатова Д.З.

#### **ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИДА ИПОТЕКА КРЕДИТИНИНГ ЎРНИ**

Ш.А. Мирзаев,

Ўзбекистон Миллий университети  
“Бизнесни бошқариш” кафедраси катта  
ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари номзоди

## ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИДА АҚШ МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

**Жаҳонда, ўзининг чуқурлиги жиҳатидан, ўтган асрнинг 70-чи, 80-чи, 90-чи ва асримизнинг илк йилларидаги инқирозлардан аҳамиятлироқ бўлган инқироз авж олиб бормоқда. Кўпчилик экспертлар бу инқироз сабабларини Америка иқтисодиётида аҳоли жамғармаларининг кескин қисқариши, арзон кредитларнинг кўпайиши, бозорларда мувозанатсиз (ноадекват) истеъмол ва таваккалчилиги юқори бўлган ипотека қимматбаҳо қозғалар кўпик пуффаги сингари кўпайиши оқибатида келиб чиққанини таъкидлашмоқда.**

Умуман, муҳим аниқликлар киритиш шарти билан бу жараёнларни баҳолаш мумкин ва бу борада батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Американинг иқтисодий модели, кўпгина жиҳатдан истеъмолчилар туфайли ривожланмоқда, чунки, Қўшма Штатлар Ялпи ички маҳсулотининг 2/3 қисми<sup>1</sup> истеъмолчилар харажатлари ҳисобига шаклланади. Хусусан, истеъмолнинг доимий ўсиши, охириги ўттиз йил давомида ЯИМнинг, аҳоли даромадларини ва АҚШ давлат бюджетини ўсишини таъминлаб келган. Агар, ўтган асрнинг 80 йиллари ўрталаригача америкаликлар ўзларининг жорий даромадларини 7-9 % жамғаришган бўлса, кейинги йилларда жорий жамғариш меъёри тўхтовсиз қисқариб борган ва аҳолининг истеъмол кредитлари ҳисобига 2001 йилдан 0% дан пастга тушиб кетган<sup>2</sup>. Шундан сўнг, жамғариш қисман тикланган, лекин 2005-2006 йилларда одамлар нафақат пул жамғаришни тўхтатиб қўйишди, хаттоки, олдинги йилларда жамғарилганини ҳам харажат қила бошладилар.<sup>3</sup>

Америкаликларнинг жамғармаларини сақлаб қолишга, Федерал резерв тизимидан

<sup>1</sup> <http://www.bizobzor.net.ua/40>

<sup>2</sup> <http://www.bizobzor.net.ua/40>

<sup>3</sup> <http://kornet-liberla.livejournal.com/10228.html>

деярли чекланмаган миқдорда ва паст фоиз ставкалари бўйича америка банкларига берилган кредитлар ҳам ёрдам бермади.

Ўз навбатида, паст фоиз ставкалари инфляция туфайли, депозитлар бўйича реал фоиз ставкаларини нолга тенглаштириб қўйди. Халқаро оммавий ахборот воситалари берган хабарлардан маълумки, кредитлаш охириги 30 йил давомида АҚШдаги ҳаддан зиёд харажатларни молиялаштиришни асосий манбаси бўлиб келмоқда.<sup>4</sup>

Америкаликлар 80-йиллар ўрталаридан, нафақат кредитларни қайтаришмаган, балки, уларни ўз даромадларини ва ЯИМни ўсиш суръатларидан юқори суръатларда ошириб боришган.

Айниқса, кредитлашнинг юқори ҳажмлари 1998-2001 йилларга тўғри келади. Шу вақтлардан бошлаб, Америка аҳолиси кўпчилигининг қарз мажбуриятлари нафақат тез суръатлар билан, балки даромадларни ўсиш суръатига нисбатан арифметик прогрессияда ошиб борди.

Бугунги кунга келиб, америка фуқароларининг молиявий мажбуриятларининг ҳажми

<sup>4</sup> <http://about-crisis.ru/>

кўпгина ҳолларда йиллик даромадларининг 140% дан ошиб кетган. Асосий қарз бу ёқда турсин, фақатгина қарзлар бўйича фоиз тўловлари аҳоли даромадларидан 10% юқори бўлган.<sup>5</sup>

Ўз навбатида бу шундай ҳолатга олиб келдики, бундан буён оддий америкаликларнинг кўпчилигида янги кредит олиш имконияти йўқ эди. Энди улар истеъмол ҳажмини ўсиш суръатларини тўхтатишга ва фақат йиғилиб қолган кредит қарзларини қайтариш билан шуғулланишга мажбур эдилар.

Кўпчиликнинг қарзни қайтариш имконияти йўқлиги учун харид қилинган уйлар ва автомобиллардан воз кеча бошлашди. Бундай ҳолат, автомобил, кўчмас мулк бозорларини тўлиб кетишига олиб келди ва бу билан боғлиқ америка иқтисодиётининг бошқа секторларига таъсир ўтказди ва ўз навбатида, америка фонд бозорида кўпгина қимматбаҳо қоғозлар курсининг кескин тушиб кетишига олиб келди.

Бунинг ҳаммаси энг кам таъминланган, асосий ва ёки ягона даромади иш ҳақи бўлган америкаликларга берилган таваккалли ипотека кредитларини ҳимоялаш ҳисобига шаклланган таваккалли ипотека суғурта қоғозлари бозоридан бошланди.

Бу тоифадаги америкаликлар учун иш ўрнини йўқотиш ипотека кредитлари бўйича мажбуриятларни бажариш имкониятини йўқотиш дегани. Бу ҳол уларнинг олган кредитлари учун таъминотда турган уйлари ва квартираларини кредит берувчилар тарафидан сотувга қўйилишига олиб келган. Оқибатда, бундай ҳодисаларнинг оммавий тус олиши бу турдаги кўчмас мулкка бўлган нархларни кескин тушиб кетишига сабаб бўлган.

Ипотека қоғозлари баҳосининг тушиб кетиши, кўпгина ипотека ва инвестицион банкларнинг активларини арзонлашувига олиб келди. Ўз навбатида, бу молиявий муассасаларнинг акция ва қимматбаҳо қоғозлари нархи туша бошлади, сўнгра бошқа корпорацияларнинг қимматли қоғозларига таъсир кўрсатди ва бу жараён АҚШдан ташқарида давом этди.

Бу жараёнда, биз жаҳон молиявий инқирозининг яна бир хусусиятини кўрамыз. Гап шундаки, АҚШ доллари ҳалқаро савдода асосий ҳисоб-китоб валютаси ролини бажармоқда.

<sup>5</sup> <http://www.bizobzar.net.ua/40>

Жаҳон ЯИМи ҳажмида АҚШ улуши устун ва ҳалқаро савдо ҳажми ҳозиргига нисбатан камроқ бўлган даврда доллар тўлов воситаси вазифасини дадил бажарган эди.

Америка муомилага “таъминланмаган” пул белгиларини чиқариб “жаҳон марказий банки” сифатида даромад олар, АҚШ ҳукумати ва барча жисмоний ва юридик шахслари хоҳлаган мамлакатда товарлар ва хизматларни харид қилишлари мумкин эди.

Бугунги кунда АҚШ ҳукуматининг қарзи 10,6 триллион доллардан ошиб кетган.<sup>6</sup> Муомилага долларларни чиқариш бир нечта масалани хал қилишга хизмат қилади.

Биринчи масала шундаки, жаҳон иқтисодиётининг ўсиши ва глобаллашуви, ва шунингдек, ҳалқаро савдо ҳажмининг кенгайиши натижасида тўлов воситаси сифатидаги кўшимча маблағларга эҳтиёж ортиб боради. Агар бу маблағлар етишмаса, уларнинг баҳоси кўтарила бошлайди ва бошқа валюталарга нисбатан бу валютанинг алмашув курсининг кўтарилишига олиб келади. Бундай ҳолат, ўз навбатида маҳсулотларини экспорт қилувчилар учун ноқулай шароит яратади ва импорт маҳсулотларни арзонлашуви ва ҳажмини кенгайтиришдан манфаатдорларни кўпайтиради.

Шундай қилиб, бошқа валюталарга нисбатан АҚШ доллари курсининг ошиб кетишига йўл қўймаслик учун, америка ҳукумати кўпроқ пул белгиларини муомилага чиқариши керак бўлади. Бу жараёнлар жаҳондаги ривожланаётган мамлакатлар томонидан ишлаб чиқараётган асосий ресурсларга (нефть, металллар, озик-овқат маҳсулотларига) бўлган талабнинг ортиши, улар баҳосини кўтарилишига олиб келди ва оқибатда, ҳалқаро савдо ҳисоб-китобларини таъминлаш учун зарур бўлган, катта миқдордаги айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди.

Бундан ташқари, пулнинг тўлов воситаси сифатидаги вазифаси унинг яна бир вазифаси билан, яъни жамғарма воситаси билан бирлашди. Равшанки, агар одамлар бирор бир валютани сақлаш ва жамғариш имкониятига эга бўламасалар, ундан тўлов воситаси сифатида фойдаланишдан ҳам манфаатдор эмаслар. Бу билан, Америка иқтисодиёти муаммоларининг янги халқаси боғлиқдир. Америка долларининг ҳақларо савдода вақтинча тўлов воситаси

<sup>6</sup> <http://www.kf-forex.ru/analytics/prognoz2009#p4>

сифатида фойдаланилмаётган улуши Америка фонд бозорига келиб тушади, ва бу фуқаролар ва ишбилармонлар тизимини ва АҚШ бюджети даромадлари ўсишини белгилаб беради.

Шундай қилиб, аввал даромадни қимматбаҳо қоғозлар чиқариш бўйича воситачилик (комиссион) хизматлар кўрсатувчи ва уларни америкалик ва хорижий инвесторларга сотувчи инвестицион банклар оладилар. Бундай хизматлардан олинadиган йиллик даромад ўнлаб миллиардларни ташкил этади.

Қимматбаҳо қоғозларга бўлган талабни ва улар баҳосининг ўсиши барча инвесторларнинг даромадини ўсишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида ўша қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишни кредитлашдан манфаатдорликни келтириб чиқарди.

Чайқовчилик даромадларининг ўсиши бир томондан қийматли қоғозларга бўлган талабни ўсишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, Америка фонд бозорини янада қиздирган ва реал қийматга эга бўлмаган, фонд активларининг совун кўпигидек юқори нархларини шакллантирган.

Шундай қилиб, жаҳон марказий банки ва-зифасини бажараётган АҚШнинг ўзи, чиқиб кетиши қийин бўлган қопқонга тушиб қолди ва Федерал Резерв Тизими қайта молиялаш ставкасини муайян давр давомида пасайти-

риб келишига қарамасдан инқироз давом этмоқда. Ҳозирги вақтда инқироз кучлироқ давом этиб глобал депрессияга айланиб кетиш ҳавфини туғдирмоқда.<sup>7</sup>

АҚШ ва бошқа мамлакатлар ҳукуматлари инқирозни олдини олишга барча чораларни кўришларига қарамай, ишсизлик ортиб бормоқда, ҳаттоки баъзи тармоқлар издан чиқиши рўй бермоқда. Америкада бошланган инқироз глобал тус олди ва уни ривожланган мамлакатлар ҳукуматларининг келишилган ҳаракатлари ёрдамидагина енгиш мумкин.

Жаҳонда молиявий инқироз ўз таъсири-ни кучайтираётган шароитда, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишла-шини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оши-риш чора-табирлари дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкилаганларидек, инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тад-бирларни изчиллик билан амалга ошириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини беради.<sup>8</sup>

<sup>7</sup> <http://www.kf-forex.ru/analytcs/prognoz2009#p4>

<sup>8</sup> И.А. Каримов. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози, Ўзбекистон ша-роитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т. "Ўзбекистон" -2009. 54 б.

### Адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т. "Ўзбекистон" -2009.
2. Елена Кукол Кризис в США // Российская газета, 2007г., Федеральный выпуск 4434.
3. Глобальный финансовый кризис, Вайн/ Издательство: Альпина Бизнес Букс 2009 г. с. 302
4. <http://www.realtypress.ru/intervjyu/12-02-2008.html>
5. <http://www.bizobzor.net.ua/40>
6. <http://history.ucoz.ua/publ/29-1-0-44>
7. <http://kornet-liberia.livejournal.com/10228.html>
8. <http://elite-trading.ru/crisis10.php> – 25 Кб (Годовой прогноз 2009. Глобальные сценарии мировых рынков.)
9. <http://www.kf-forex.ru/analytcs/prognoz2009#p4>
10. <http://www.interstock.ru/0stat/stat310.htm> (Макроэкономическая статистика США).
11. <http://about-crisis.ru/>